

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЭРКИНЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Чарос Азаматовна Азимова

Тошкент архитектура-курулиш институти катта ўқитувчиси  
[charosrose@gmail.com](mailto:charosrose@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, айни глобаллашган шароитда эркинлик, тенглик, озодлик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш, жамият ҳаётига мослаштириш янада долзарблашаётганлиги ва ушбу тушунчалар ўзининг келиб чиқишдан нафақат сиёсий ёки иқтисодий, балки ижтимоий ва фалсафий жиҳатлари ҳам мавжудлиги борасида сўз боради.

**Калит сўзлар:** уруғчилик жамоси, ибтидоий тузум даври, кулдорлик, ахлоқий жараёнлар, эркинлик, ижтимоий қатлам, адолат, озодлик, диний эркинлик, фикр эркинлиги.

### ABSTRACT

This article discusses the importance of analyzing the content of concepts such as freedom, equality, liberty, adaptation to society, and the fact that these concepts have not only political or economic, but also social and philosophical aspects.

**Keywords:** seed community, period of primitive system, slavery, moral processes, freedom, social class, justice, freedom, religious freedom, freedom of thought.

### КИРИШ

Инсоният илк шаклланиб, онги ривожлана бошлаган ибтидоий жамоа тузуми даврдан жамиятнинг интеллектуал тараққиёти жараёнида эркинликка интилиб яшаган. Шундан ҳам билишимиз мумкинки, инсон эркинликнинг мазмун-моҳияти борасида кеча ёки бугун эътибор қаратмаган. Ушбу тушунчанинг фалсафий илдизлари бир неча минг йилларни ўз ичига олади десак янглишмаган бўламиз.

Ушбу омил эса ўз навбатида инсоният оламида турли диний тазйиқ ва хурофотлардан ҳоли бўлган дастлабки уйғониш даврининг юзага келиши учун туртки бўлди. Бу ҳодисани Марказий Осиё ва Ғарбий Европа мамлакатларининг илк ўрта асрлардаги тарихий жараёнларида юз берган воқеликлар асносида кўришимиз



мумкин. Бу даврга келиб, ўз эркинлигини англаб етган ва мустақил тафаккурга эга бўлган инсонлар илм-фаннинг ривожланиши йўлида инқилоб ясадилар. Бу инқилоб дунё халқларининг ҳаётида ва турмуш тарзида табиий заруратга айланган умуминсоний қадрият эди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк немис файласуфи Гегель фикрича, алоҳида шахснинг эркинлиги ва маънавий юксалиши нисбий қадрият бўлиб, миллат ва давлатнинг фаровонлиги – мутлоқ қадриятдир. Шоҳ давлати учун ҳаётини қурбон қилар экан, у ўзининг ахлоқий бурчини бажаради. Ўлим олдидаги қурқув, дея таъкидлайди файласуф, миллат эркинлиги ва халқ мустақиллигини ҳалокат ёқасига олиб келиши мумкин, бу ўз навбатида ахлоқий ҳалокатдир. Мустақилликни йўқотиш, бошқа халқлар зулми остида эзилиш нафақат миллатнинг, балки ҳар бир алоҳида шахснинг шаъни топталишидир [1, 360]. Албатта, инсон онгли мавжудот сифатида дунёга келибдики, унинг ўзгаларга қарам бўлмасдан, ўз хоҳиши бўйича яшашга бўлган интилиши ҳам юзага келган. Бу интилиш қанчалик кучаймасин, барибир унинг «абсолют» амалга ошиши муаммолигича қолиб келмоқда. Аслида, унинг ўз хоҳиши бўйича яшаш истаги инсоният тараққиётининг идеали сифатида давом этаверади. Ҳатто, бугун демократия батамом қарор топган, фуқароларнинг эркинлиги тўла таъминланган, жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида ҳам уларнинг хоҳиш-истаклари абсолют амалга ошган, деб айта олмаймиз ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки инсон дунёга келган кундан бошлаб, то охирги нафасигача она, ота, оила, миллат, халқ, давлат ва жамият тизимида яшайди, улар билан тегишли муносабатларда бўлади, ўз манфаатлари эвазига «абсолют» эркинлигининг аксарият кўп қисмидан «воз» кечишга мажбур бўлади.

Аслида, инсоннинг абсолют эркинликка эга бўлиши унинг ҳеч ким билан алоқаси йўқлигини, жонли дунёдан ажралиб қолишини, шу тариқа моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий манфаатлари қондирилиши имкониятларидан маҳрум бўлганлигини ҳам билдиради. Ўз эркинлигининг маълум қисмидан воз кечиши эвазига у турли муносабатларга кириша олади. Ана шулар қаторида унинг юқорида тилга олинган тизим (она, ота, оила, жамоа, миллат, халқ, давлат ва жамият) билан бўладиган муносабатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу тизимда содир бўладиган муносабатлар орқали улар билан ўзаро мувозанатда яшайди. Бу мувозанат бўлмас экан инсон бу ёруғ оламда тинч, осойишта ва фаровон яшай олмайди [2,155]. Юқоридаги фикрларлар мажмуасидан шу



нарсага амин бўламизки, инсон ўзининг эркинлигини табиатдан, жамиятдан ва инсонлар бағридан ташқарида амалга ошира олмайди. Чунки, бутун тарих давомида жамоавийлик анъанаси асосида яшаб келган инсоният қавми бу ақидадан ҳеч қачон воз кеча олмайди, истаимизми йўқми, бу табиий ҳол.

## МУҲОКАМА

Шунга кўра, битта сабаб билан қатор оқибатларни юзага келтирса бўлади. Бунда, **биринчидан**, инсон эркинлиги нафақат ташқи омиллар билан балки, ички интилишлар, эҳтиёжлар билан ҳам тақоза қилинади; **иккинчидан**, эркинликка интилувчи шахс ўзига кўрсатилаётган ҳар бир таъсирга фикран турлича, ўз имконияти даражасида жавоб бераолади; **учинчидан**, шахсининг мақсадга мувофиқ фаолияти жараёнида унинг эркинлиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва маънавий соҳаларда намоён бўлади. Шундай қилиб шахс эркинликнинг субъектив англаб олишдан тортиб, то уни объектив амалга оширишгача бўлган турли босқичларни босиб ўтади.

Дейлик, уруғчилик жамоси, умуман ибтидоий тузум даври, кулдорлик, уйғониш даври (IX-XI асрлар), ўрта асрлар, янги ва энг янги давр ҳамда ҳозирги кунга қадар инсоният ўз эркинлигига эҳтиёж сезиб яшайди. Чунончи, шахс ўз фаолияти жараёнида эркинликка оид мақсадини илгаридан белгилаб олиш имкониятига эга. Чунки ҳар қандай аниқ вазиятда ҳам шахсининг эркинлигига оид бир нечта имкониятлар мавжуд бўлади. Бундай бўлмаган шароитларда, яъни оқилона муқобиллик етишмай турганда ҳам шахс ўз эркинлиги доирасида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ўзини четга тортади.

Эътибор қиладиган бўлсак, шахс танлов эркинлигини инсоният дунёсида тутган ўрнини жонли табиатдаги объектив сараланиш билан қиёс этиш мумкин. Танлов эркинлиги туфайли инсоният жамият ривожланишининг истаган босқичида ва истаган жойида яратилган моддий ва маънавий қадриятлари ўрганилиши, ўзлаштирилиши ва ижодий такомиллаштирилиши мумкин. Инсон шахсининг бу жихати фақат индивидуал табиатга эга бўлмай, балки ялпи ижтимоий жиҳатларда ҳам кўринади. Яъни, шахсларгина эмас, балки катта ёки кичик эл-элатлар, миллатлар ва халқлар ҳам ўз тақдирларига тегишли ҳолларнинг барчасида ижтимоий танлов эркинлигига эгадирлар. Жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий, ахлоқий жараёнлар, эркинликка оид муносабатлар турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар ўртасида ташкил топадиган манфаатлар кураши эркинликка асосланган воситалар орқали амалга оширилиб келинади. Инсонлар ўртасидаги бундай муносабатларнинг асосий вазифаси шахслараро ўзаро

зиддиятларни бартараф этиш йўллари аниқлаш, томонлар учун мақбул бўлган шароитларни белгилашга оид муоммолар ечимини ташкил этишдан иборат. Бундай услублар мавжуд шахснинг эркинлигига нисбатан танланган воситаларнинг реал ёки идеаллиги билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий тузуми ўзгариши натижасида кишиларнинг ўз ҳаётига нисбатан муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Ижтимоий ҳаётда эркинлик, адолат, озодлик, инсоннинг кадр-қимматини эътироф этиш ғояси аста-секин етила бошлади. Айни пайтда, даврлар ўтиши, тарихий эврилишларнинг алмашинуви ҳосиласида саноатнинг ривожланиши, шаҳарлашув жараёнининг тезлашуви шахснинг ўз эркинлигига нисбатан бўлган эҳтиёжини кучайтирди. Натижада, шахслараро айниқса, аёллар ўртасида эркинликка интилиш зарурияти кучая бошлади. Бир томондан, озодлик, эркинлик ғоясининг вужудга келиши, иккинчи томондан, аёлларнинг ишлаб чиқаришга қатнашуви уларнинг эркаклар каби эркин яшашга ҳақлилигини ҳамда жамият тараққиётига муносиб тарзда ўз улушини қўша олиш ғоясини вужудга келишига замин тайёрлади.

Тарихдан маълумки, аёллар ҳукмронлиги давридан эркаклар ҳукмронлиги даврига ўтилиши аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўзгартирди, уларни жамият тараққиётидаги иштирокини рад этиб, фаолиятини оила доираси билан чеклаб қўйди. Шу даврдан бошлаб, жамият ва оилани бошқариш эркаклар қўлига ўтди, аёллар эса фарзандлар тарбияси, оила доирасида чекланиб, эркак кишига моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолди. Натижада, бу жараён тарих саҳифаларида “феминизм”[3] тушунчасининг юзага келишига имкон яратди. Феминизм тушунчаси (французча “feministe”, латинча “femina” - аёл)— аёлларни камситишлардан халос этишни тарғиб этувчи, уларнинг мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганувчи оқим, маъносини беради. Феминизм Франция буржуа инқилоби даврида вужудга келиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун курашини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштирок этишини тарғиб этади [4,284]. Шу каби, шахснинг муайян эркинликка эга эканлигини, унинг эркинлигини ҳимоя қилувчи, тарғиб қилувчи бир қанча ахлоқий, фалсафий ва дунёвий-диний таълимотлар юзага кела бошлади. Натижада бундай ҳолатлар фуқаролик жамиятига хос бўлган илк ва содда кўринишларни юзага келтирди. Ҳозирги вақтда феминизм тушунчаси фуқаролик жамияти негизида қадимий ва янги босқичларга бўлиниб ўрганилади. Қадимий феминизм XVIII асрда вужудга келган бўлиб, XIX аср охиригача ўз таъсирини



сақлаб келди. Бу даврда хотин-қизлар барча йирик ижтимоий ҳаракатларда иштирок эта бошлади. Францияда аёлларнинг тенглик учун курашига бағишланган илк журнал чиқа бошлади, дастлабки хотин-қизлар инқилобий клублари пайдо бўлди ва улар сиёсий курашда фаол қатнашдилар. Бу даврдаги асосий ғоя — хотин-қизларнинг оиладаги тутқунлигига қарши қаратилган бўлиб, уларнинг сиёсий тенг ҳуқуққа эга бўлишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Бунинг учун улар маълумот олишлари, эркакалар билан баробар ишлаши ва ҳақ олишини ёқлаб чиқилиши талаб қилинар эди. XX асрда АҚШ Конституциясига аёлларнинг сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга экани тегишли меъёр билан мустақамланади. Бу ҳол феминизм ғоясини янада кенг миқёсда тарқалишига ҳамда янги хилма-хил феминистик оқимларнинг вужудга келишига шароит яратди [5,155].

## ХУЛОСА

Ушбу тарихий ҳодисаларнинг вужудга келиши асосида жамиятда шахслараро фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги бироз сусайгандай бўлди. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг асл маъноси, кишилар фикри, тафаккури устидан муайян ғояларнинг ҳукмрон мавқега эғалигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеаларни мустақил баҳолаш имкониятидан маҳрум бўлганини ифодаловчи тушунча бўлиб, асл мақсади кишилик жамиятини манқуртликка етаклашдир.

Инсоният бутун ижтимоий тарих давомида доимо мустақилликка, озодликка ва эркинликка интилиб яшаган. Ижтимоий муносабатлар шакллариға мос равишда иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва диний эркинликлар, энг аввало, шахсинг фикр эркинлиги тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам бошқа миллатлар, халқлар устидан ҳукмронлик қилган мамлакатлар сиёсати ҳамиша босиб олинган халқларни фикр қарамлигига, тафаккур қуллигига маҳкум этишга қаратилган.

Инсоннинг муайян мафкураға, сиёсатға фикрий қарамлиги мустамлакачилик сиёсатининг энг машъум кўринишидир. Чунки фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги инсонни ўз-ўзини англашдан маҳрум қилиб, ундаги ижтимоий масъулият ҳиссини сўндиришға, жамиятда юз берадиган воқеликларға, янгилик ва ўзгаришларға нисбатан лоқайдлик кайфиятини кучайишиға олиб келади. Айни пайтда, бошқача қарашлар билан ҳисоблашмайдиган мутаассиблар, манқуртлар пайдо бўлишиға замин яратади. Фикр қарамлиги ва тафаккур қуллигидан озод бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига,



плюрализмга эришиш эса, жамиятни демократлаштириш тараққиётининг оқилона йўлини танлаш имкониятини беради.

## REFERENCES

1. Г.В.Ф. Гегель. Философия права. – М.: 1990. - С. 360.
2. Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Тошкент: “Академия”, 2005. -155-бет.
3. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лўғати. -Тошкент.: “Академия”, 2007. -284-бет.
4. Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Тошкент: “Академия”, 2005. -155-бет.
5. Бентам И. Введение в основания нравственности и законодательства. — М.: РОССПЭН, 1998. — 415 с ISBN 5-86004-166-7
6. Хайек Ф. А. Судьбы либерализма в XX веке. — М.: ИРИСЭН, Социум, Мысль, 2012. — 344с. 978-5-91066-050-6, 978-5-244-01154-8, 978-5-91603-070-9, 0-9179-4722-1
7. Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек / Пер. с англ. М. Б. Левина. М.: АСТ, 2004. ISBN 5-17-021219-4
8. Гэлбрейт Д. Новое индустриальное общество. — М.: Прогресс, 1969.
9. Валлерстайн И. После либерализма / Пер. с англ. под ред. Б. Ю. Кагарлицкого. М.: Едиториал УРСС, 2003. ISBN 5-354-00509-4

